2012 йил 23 ноябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 231 (12.292)

Баҳоси эркин нархда

*Аёлларни, оилаларни асраш керак, дегани — бу фарзандларни асраш, наслни асраш, охир-оқибат миллатни асраш демакдир.*

*Ислом КАРИМОВ*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ







# АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР







### *26 НОЯБРДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИНИНГ IV ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТАДИ.*

***Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ Президентимиз томонидан хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қизларни турмушга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш каби масалалар давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаларига айланди.***

Ўтган йиллар мобайнида оила, хотин-қизлар, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси бўйича 50 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, бир неча халқаро Конвенциялар ратификация қилинди.

Натижада бугунги кунда давлат ва жамоат ишларида хотин-қизларнинг фаоллиги ошди, ижтимоий-маданий, иқтисодиёт, саноат, тадбиркорлик соҳаларидаги ўрни сезиларли даражада ортди.

Юртбошимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг турли жабҳалардаги фаолияти, мавқеини янги сифат босқичига кўтаришда алоҳида аҳамият касб этувчи дастуруламал бўлди.

Таъкидлаш жоизки, аёлларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, уларнинг ҳар бир соҳадаги изланиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш, лозим бўлган барча шароитларни яратиш, имкониятлар эшигини очиб бериш, ижтимоий ҳимоялаш, йўл-йўриқ кўрсатиш, соғлиқларини муҳофаза қилиш, манфаатларини ҳимоялаш борасидаги ишларни амалга оширишда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг алоҳида ўрни бор.

Хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишида иштирокини таъминлаш мақсадида, ўтган давр мобайнида, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ва унинг туман бўлимлари томонидан барча сиёсий партиялар, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Меҳр кўзда», Аёллар Кенгаши, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Нафосатли аёллар ва ўсмир-ёшлар ўқув амалиёт маркази», «Тадбиркор аёллар уюшмаси» шаҳар бўлимлари каби жамоат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда турли тадбирлар ташкил этилди.

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: Соғлом она — соғлом бола» халқаро симпозиумининг тавсиялари ҳамда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар моҳияти» мавзусида давра суҳбатлари ҳамда «Фуқаролик жамиятини ривожлантиришда хотин-қизларнинг ўрни» мавзуида семинарлар уюштирилди.

Шунингдек, қўмита томонидан «Ёш олималарнинг илм-фан тараққиётида тутган ўрни», «Жамиятни демократлаштириш жараёнида раҳбар-аёллар ролини кучайтириш», «Хотин-қизларнинг сиёсий партиялар орқали фаоллигини ошириш» каби долзарб мавзуларда семинар-тренинглар ташкил этилди.

Аёлларни иш билан таъминлаш ҳамда меҳнат бозорини ривожлантириш, вақтинча ишсиз аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уй меҳнати, касаначилик, оилавий тадбиркорликни кучайтириш, устоз-шогирд анъаналарини давом эттириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, аёлларни, ёшларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида бандлик бўлими билан ҳамкорликда, 2008-2011 йиллар ва жорий йилнинг тўққиз ойи ичида 220 дан ортиқ «Меҳнат ярмаркалари» ташкил қилинди.

Аёлларимизнинг жамиятдаги мавқеи ортиб бориши натижасида, пойтахтимиздаги 476 та маҳаллада, фуқаролар йиғини раисларининг 118 нафари, ҳамда маҳалла котибларининг 369 нафарини аёллар ташкил этади.

Бугунги кунда шаҳар хотин-қизлар қўмитаси қошида 11 та уюшма жамоатчилик асосида фаолият олиб бормоқда. «Маънавий-маърифий ишларни олиб бориш уюшмаси», «Олима аёллар уюшмаси», «Ҳуқуқий саводхонликни ошириш уюшма»лари шулар сирасига киради. Улар аёлларимизни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш, маънавий ва интеллектуал билим савиясини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тошкент шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталарининг энг қуйи бўғини, хотин-қизларимизга, ёшларимизга мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни етказиб берувчи кучимиз, бу — хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотларидир. Улар маҳаллаларда — 476 та, таълим муассасаларида — 930 та, тиббиёт муассасаларида — 329 та, тижорат банкларида — 129 та, ҳуқуқ-тартибот идораларида — 54 та, маданият ва спорт муассасаларида — 2199 та, корхона ва ташкилотларда — 1302 та бўлиб, жами 5419 тани ташкил этмоқда.

Тошкент шаҳридаги мавжуд барча бошланғич хотин-қизлар ташкилотларида шу йилнинг 1-30 октябрь кунлари ўтказилган ҳисобот-сайлов йиғилишларида 30 фоизга яқин қўмиталар раислари тажрибали кадрларга алмаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан хотин-қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқлари ҳам кафолатланган. Жумладан, Тошкент шаҳридан Олий Мажлис Сенати, Қонунчилик палатаси ва Тошкент шаҳар Кенгашида жами 17 нафар аёллар депутат сифатида фаолият олиб бормоқда, 2004 йилдаги сайловларга таққослаганда аёл депутатлар сонининг беш фоизга ошганлиги ҳам самарали натижалар сирасидандир.

Аёллар ўртасида тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида хотин-қизлар қўмитаси ёрдамида шаҳарда доимий рўйхатда турувчи 600 га яқин хотин-қизлар «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлиб, миллий ҳунармандчиликнинг турли соҳаларида фаолият юритмоқда. Шу билан бирга қўмита қатор ташкилотлар ҳамкорлигида хотин-қизларни уй меҳнати ва оилавий тадбиркорликка жалб этиш мақсадида охирги уч йил давомида «Қўли гулдир ўзбек аёлин» савдо кўргазмаларини ташкил қилди, унда 200 га яқин тадбиркор аёллар иштирок этди.

(Давоми 2-бетда)

## ЎЗБЕКИСТОН – СИНГАПУР: КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЯДИ

***Яқинда Сингапурда навбатдаги Ўзбекистон — Сингапур бизнес форуми бўлиб ўтди.***

Сингапур Савдо ва саноат вазирлиги ҳамда Бизнес федерацияси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда сингапурлик ишбилармонлар билан бир қаторда Австралия, Индонезия, Малайзия, Хитой, Янги Зеландия ва Япониядан келган бизнесменлар ҳам иштирок этдилар.

Ушбу бизнес анжуманида кўплаб мамлакатлар вакилларининг ҳозир бўлиши Ўзбекистоннинг манфаатдор чет эл компаниялари учун жозибадор сармоявий муҳитни, ривожланган инфратузилма, ўзаро манфаатли лойиҳалар ва юқори малакали ишчи кучини таклиф қилишга қодир бўлган истиқболли минтақавий шерик сифатидаги ўрни ва аҳамиятини яна бир бор кўрсатди.

**Сингапур Бизнес федерациясининг ижрочи директори Мартин Юн** тадбир иштирокчиларини қутлар экан, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги ишончли ва муҳим шерик эканлигини алоҳида таъкидлади. Унинг эътироф этишича, 2007 йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Ўзбекистон — Сингапур бизнес форуми икки мамлакат ишбилармон доиралари учун учрашувнинг қулай минбарига, кўп қиррали ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналишларини аниқлаш имкониятини яратадиган анъанавий тадбирга айланиб қолди. М.Юн анжуман доирасида ўтказилаётган учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги узоқ муддатли шерикликнинг асосини янада мустаҳкамлашига комил ишонч билдирди.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққан **«Indorama» компаниясининг вакили Рамеш Сони** Ўзбекистон бозорининг чет эллик сармоядорлар учун жозибадорлиги хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди. Р.Сонининг айтишича, мамлакатимизда нефть, газ ва тўқимачилик соҳаларида амалга оширилаётган йирик қўшма лойиҳалар ана шундай жозибадорликнинг яққол мисоли бўла олади. «Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик, қулай жўғрофий жойлашув, Марказий Осиё, Яқин Шарқ, Россия ва Европа бозорларига чиқиш имконияти, саноат инфратузилмаси ва юксак интеллектуал салоҳият мамлакат иқтисодиётига киритилаётган сармоялар миқдорининг янада ортишига хизмат қилмоқда», деди у.

Бизнес анжумани доирасида республикамизнинг қатор вазирлик ва давлат акционерлик компаниялари вакилларидан иборат Ўзбекистон делегацияси томонидан бир нечта тақдимот маросимлари ҳам ўтказилди. Уларда Ўзбекистонда қулай сармоявий муҳит ва ишбилармонлар учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти атрофлича ёритиб берилди. Айниқса, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий ҳудуди ва «Ангрен» махсус индустриал зонасидаги имкониятлар, мазкур ҳудудларда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари ва хорижлик шериклар учун тақдим этилган имтиёзлар тўғрисидаги маълумотлар анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

Ўзбекистон — Сингапур бизнес анжумани доирасида икки томонлама ҳамкорликнинг кенг қамровли масалалари, хусусан, чет эллик ҳамкорлар билан биргаликда юртимизда инновация технологияларини жорий қилиш ва юксак технологияларга асосланган замонавий корхоналарни барпо этиш йўллари ва имкониятлари тўғрисида ўзаро фикр алмашилди.

**«Жаҳон» АА, Сингапур**

***Пойтахтимизда Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети томонидан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан ҳамкорликда «Нефть-газ конларини ўзлаштиришнинг замонавий муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари» мавзуида халқаро илмий-техник конференция ўтказилди. Унда мамлакатимиз ва хорижнинг нефть-газ соҳаси мутахассислари, шу соҳага тегишли ўқув юртлари ўқитувчилари, иқтидорли талабалар иштирок этди.***

## НЕФТЬ-ГАЗ ТАРМОҒИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Нефть-газ соҳаси Ўзбекистон иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Мамлакатимиз бугун Марказий Осиё минтақасида ёқилғи-энергетика ресурсларининг йирик ишлаб чиқарувчиларидан бири бўлиб, дунёда газ қазиб оладиган асосий давлатлар ўнлигига киради. Нефть-газ саноати кўп тармоқли бўлиб, у геология-қидирув ишларидан қайта ишланган маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган жараёнларни ўз ичига олади.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг ўринбосари Ш.Қаюмов, Тошкент Давлат техника университети ректори А.Одилхўжаев ва бошқалар мамлакатимиз нефть-газ соҳаси салоҳиятини янада ривожлантириш учун таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини янада мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Конференцияда экспертларнинг Ўзбекистон нефть-газ соҳасини ривожлантиришнинг бугунги даражаси ва истиқболлари тўғрисидаги маърузалари тингланди, бу борадаги жаҳон тажрибаси кўриб чиқилди. Секциялар йиғилишларида геология-қидирув ишларининг ҳозирги аҳволи ва уни ривожлантириш, нефть ва газ конларига ишлов бериш ҳамда улардан фойдаланиш, қудуқларни бурғилашнинг технологик самарадорлигини ошириш, нефть-газни қайта ишлаш технологияси ва ускуналарини такомиллаштириш, технологик лойиҳаларни лойиҳалаштиришда компьютер дастурларини жорий этиш масалалари муҳокама этилди. Нефть ва газ саноати билан боғлиқ экологик муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилди.

**Сардор ТОЖИЕВ, ЎзА мухбири**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан «Туризм тўғрисида»ги қонуннинг «Ўзбектуризм» миллий компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги ижроси юзасидан назорат-таҳлил фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш ташкил этилди.**

**● Самарқанд шаҳрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан «Мамлакатда чорвачилик ривожланишини жадаллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.**

**● Андижонда бўлиб ўтган вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов конференциясида жойлардаги хотин-қизлар қўмиталари ва бошланғич ташкилотларининг ўтган беш йил мобайнида давлат ва жамият қурилишидаги фаолияти атрофлича муҳокама этилди.**

**● Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежида ташкил этилган «Конституция – бахтимиз пойдевори» мавзуидаги тадбирда ҳуқуқшунос олимлар, вилоятдаги ҳуқуқ-тартибот идоралари масъул ходимлари томонидан ўқувчи-ёшларга Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг миллий давлатчилигимиз анъаналарига мос ўзига хос жиҳатлари ҳамда Асосий Қонунимизни янада такомиллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида кенг маълумотлар берилди.**

**● «Шўртаннефтгаз» унитар шўъба корхонасида пропан-бутан аралашмасини олиш қурилмасининг бешинчи навбати лойиҳасини амалга ошириш ишлари ниҳоясига етказилди. У йилига уч миллиард кубметр табиий газни қайта ишлаш ва ундан 50 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқариш қувватига эга.**

### ЖАҲОНДА

**● Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида ўтказилган бизнесменлар билан учрашув чоғида Европа Иттифоқи президенти Хельман ван Ромпей Европа қитъаси еврохудуднинг тарқалиб кетиши мумкинлиги хавфидан қутулиб, иқтисодий инқирозга қарши курашнинг янги босқичига кираётганини таъкидлаб ўтди. Унинг сўзларига қараганда, кейинги икки йил давомида ҳам иттифоққа аъзо алоҳида давлатлар, ҳам Европа Иттифоқи томонидан амалга оширилган саъй-ҳаракатлари ўзининг мевасини бера бошлаган.**

**● Қароргоҳи Франция пойтахти Париж шаҳрида жойлашган Халқаро энергетика агентлиги томонидан эълон қилинган маълумотларга кўра, 2035 йилга келиб, бир баррел хом нефтнинг ўртача нархи 125 АҚШ долларини ташкил этади, «қора олтин»га нисбатан жаҳондаги талаб эса 14 фоизга ошиб, бир кеча-кундузда 99,7 миллион баррелни ташкил этади. Шу билан бирга агентлик яқин ўн йил давомида нефть қазиш бозорида нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти — ОПЕККА кирмайдиган давлатларнинг ўрни кучайиб боришини тахмин қилмоқда.**

**● Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган саноат ярмаркасида қўл кучини икки баравар ошириш имконига эга роботлаштирилган қўлқоп намойиш этилди. Ушбу ExoHand номли тажрибали робот-қўлқоп Германиянинг Festo компанияси томонидан тайёрланган бўлиб, қўл бармоқлари қувватини ошириш ва ходимнинг чарчоғини пасайтиришдан ташқари қўлқоп бошқа вазифани ҳам бажариши мумкин. Яъни, робот-қўлқопнинг махсус иш режими хавфли ишлаб чиқаришларда ҳам қўл келиши мумкин.**

# ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГУЛЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш ва аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида олиб борилган ишлар натижаси ҳам қувонарлидир. Бугунги кунга келиб, пойтахтда оналар ва болалар ўлими, 15-16 ёшли ҳамда 45 ва ундан юқори ёшлилар ўртасида туғруқ кўрсаткичлари ўтган йилларга нисбатан кескин камайишига эришилди. Статистик маълумотларга кўра, сўнгги ўн йил ичида туғма касалликлар билан дунёга келаётган болалар сони 40 фоизга камайди.

2011 йилда ўқув муассасаларида ташкил қилинган «Ораста қизлар» тўгаракларининг асосий мақсади ҳам қизларда тиббий маданиятни ошириш, эрта никоҳ ва эрта туғруқ ҳолатларининг олдини олиш, оила муқаддаслигини тушунтириш борасидаги вазифаларни қамраб олган. Айни пайтда шаҳардаги барча маҳаллаларда шундай тўгараклар фаолият олиб бормоқда.

Шаҳримизда ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «Саломатлик куни» деб эълон қилинганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Мактабларда, коллеж, лицей ва олий ўқув юртларида фаолияти йўлга қўйилган «Зулфияхоним қизлари», «Ораста қизлар» тўгаралари аъзолари томонидан «Тенгдош тенгдошга» тамойили асосида турли тадбирлар, учрашувлар ва танловлар ўтказилмоқда.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан анъанавий тарзда «Оила — маънавият ва қадрият бешиги», «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Оила — муқаддас қўрғон» шиори остида маънавий-маърифий тадбирларнинг уюштирилиши эса оила манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгандир.

Президентимизнинг 1998 йилдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотираларига бағишланган тадбирларни ўтказишни тартибга солиш ҳақида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ҳам хотин-қизлар қўмитаси томонидан кенг кўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг 2012 йил 18 апрелдаги «Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори, шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2012 йил 10 сентябрдаги «Тошкент шаҳридаги тўйхона, ресторан ва кафеларда тўй-ҳашам, оилавий тантана, маърака ва маросимларни ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 732-сонли қарорлари қабул қилинганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

## АЁЛ БОРКИ, ОЛАМ МУНАВВАР

Шунга биноан Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Оила» маркази ҳамкорлигида «Тўй ва маросимлар — маънавият, қадрият» мавзусида буклетлар чоп этилиб ФҲДЁ бўлимларига, «Ёш оилалар» мактаблари ва таълим муассасаларига тарқатилди.

Шунингдек, қўмита томонидан «Маросимлар — маънавиятимиз кўзгуси» номли китоб 2000 нусхада нашр қилинди. «Тошкентнинг ой қизиман», «Миллий либослар», «Дўппи тикдим ипаклари тиллодан», «Бошда дўппи ўзбегим», «Йил аёли», «Оналар куйлаганда», «Барҳаёт анъаналар» каби кўрик-танловларнинг ўтказилиши жамият ва аёл бирлигини, ҳамкорлигини мустаҳкамлаб борадиган узвий ришта ҳисобланади.

Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг асосий устувор йўналишларидан бири оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Хусусан, 2008-2010 йиллар давомида 569 нафар ёш оилага уй-жой олиш учун имтиёзли кредитлар ҳамда 3000 дан ортиқ ёш оилаларга имтиёзли истеъмол кредитларини олишда кўмаклашилди. 2000 дан ортиқ кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларининг суннат ва мингдан ортиқ никоҳ тўйлари ўтказиб берилди, беш ярим мингга яқин бузилиб кетиш арафасидаги оилалар яраштирилди.

Қўмита бошчилигида туманларда «Ёш оила» мактаблари ташкил қилинган бўлиб, унда кўпни кўрган ибратли оилалар бошлиқлари оилавий муносабатлар тўғрисида керакли тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. «Энг ибратли оила», «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг ўтказилиши ҳам ёшларимизга намуна ва катта ибрат вазифасини ўтамоқда.

Мухтасар қилиб айтадиган бўлсак, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ҳар бир иш негизида аёлнинг оиладаги ва жамиятдаги ўрни ва нуфузининг янада юксалиши, оила мустаҳкамлиги, оналик ва болалик бахти, аёллик саодати, қизларимизнинг нурафшон эртаси қамраб олинган десак муболаға бўлмайди.

Зеро, аёл ҳаётга муҳаббат берувчи ва мазмун ато этувчи, яратувчи, яшнатувчи, ўзидан нур таратувчи, эзгулик, гўзаллик ва яхшилик сари ундовчи азиз ва мукаррам зотдир!

**Фарида АБДУРАҲИМОВА,**
**Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси**

## Сўз — конференция қатнашчиларига

### ВАТАНГА ЭҲТИРОМ АЁЛДАН БОШЛАНАДИ



**Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, 44-оилавий поликлиника бош шифокори:**

— Аёлга эътибор — миллатга, мамлакатга, эртанги кунга, келажак авлодга эътибор демакдир. Бугунги кунда юртимизда хотин-қизларнинг жамият ҳаётининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларидаги иштирокини кучайтириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ўринда Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси бўйича қатор ишлар бажарилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, мамлакат парламентига ўтказиладиган сайловларда депутатликка номзодлар кўрсатиш жараёнида хотин-қизлар учун ўттиз фоиз квота жорий этилганлиги ҳам аёлларимизга кўрсатилаётган юксак эътиборнинг амалий ифодасидир. 2009 йилдаги сайловлар жараёнида ушбу норманинг татбиқ этилиши натижасида парламентнинг қуйи палатасига сайланган хотин-қизлар умумий депутатлар сонининг 22 фоизини ташкил этди.

2009 йилда Юртбошимиз томонидан оналар ва болалар саломатлиги муҳофазаси, аёллар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган иккита қарорнинг қабул қилиниши ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Хотин-қизларга бундай эътибор қаратилиши, уларга жамиятимизнинг барча соҳаларида фаол иштироклари учун яратилган шароитлар ҳар бир аёлнинг янада фаолроқ бўлишида куч-ғайрат бағишлайди.

Бундан келиб чиқадики, аёлга эътибор — келажак авлодга эътибор демакдир.

Мен хотин-қизлар қўмитаси ишини янада такомиллаштириш борасида қуйидаги таклифларимни билдирмоқчиман. Биринчидан: хотин-қизларнинг ҳуқуқий-сиёсий, тиббий, диний билим ва маданиятларини янада ошириш борасидаги олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш ва бунда ноанъанавий, интерфаол усуллардан фойдаланишни кенг йўлга қўйиш зарур.

Ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий тадбирларда хотин-қизларнинг фаоллигини янада ошириш, шунинг баробарида «Ораста қизлар» тўгараги фаолиятини кучайтириш мақсадга мувофиқдир.

### ОИЛА — МУҚАДДАС ҚЎРҒОН



**Зулайхо КАМАЛХОДЖАЕВА,**
**Ҳамза тумани ФҲДЁ бўлими мудири:**

— Ватан остонадан, оила аёлдан, бола тарбияси она алласидан бошланади. Ватан ва она юрт равнақи, келажаги тақдири аввало оиладаги муҳитдан бошланади. Жамият келажагини яратувчилар асосан оилада тарбия топади, камолга етади. Оилалар тинчлиги мамлакат осойишталигининг гаровидир. Шундай экан, низоли оилаларга эътиборни кучайтириш зарур. Тарғибот-ташвиқот ишларини юқори поғонага кўтариш жоиз. Педагог, психолог, тиббиёт мутахассислари, маънавият-маърифат жабҳаси ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар қўмиталари «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида иш олиб бориш лозим.

Таклифларим: қизларимизни эрта турмушга бериш ва эрта фарзандлар кўриш масаласида ота-оналарнинг жавобгарлигини маъмурий Кодексга киритишни кўриб чиқишимиз лозим. Қонуний никоҳдан ўтмаганларга, шаръий никоҳни ўқиган имом-хатибга нисбатан кўрилган чораларни кенг жамоатчиликка, таъсирли бўлиши учун ОАВ орқали етказиб бериш лозим.

### ОНАЛАР ВАЗИФАСИ



**Лутфия ЮСУПОВА,**
**П.Ф.Боровский номли тиббиёт коллежи директори, тиббиёт фанлари номзоди:**

— Бугунги кунда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи тобора юксалиб, давлат ва жамият қурилишидаги иштироки кенгайиб бормоқда. Шулардан келиб чиқиб, мустақиллигимизнинг илк йилларидан Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси аёллар ва қизларнинг ҳақиқий суянчи ва таянчига айланиб, туманлар ҳамкорлигида самарали ишларни амалга оширмоқда.

Мен бугун вояга етмаган қизлар тарбияси ҳақида фикр билдирмоқчи эдим. Чунки ўқув муассасамизда асосан қизлар ўқийди. Тўғри, барча ўқув муассасаларида вояга етмаган қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида ишлар амалга оширилмоқда. Аммо, шунга қарамай қизларнинг баъзан ноахлоқий ишлар билан машғул бўлишлари ҳам учраб турибди. Бунга асосий сабаб вояга етмаган қизларнинг онаси билан яшамаслигидир. Қиз боланинг муаммоларини қариндошлари ҳал қила олмайди албатта. Кўп аёлларимиз пул ишлаш ниятида чет мамлакатларга чиқиб кетмоқдалар. Ҳаётнинг ўзига яраша ташвишлари мавжуд, аммо бу вояга етмаган қизни ёлғиз қолдириб кетиш керак дегани эмас-ку. Қизлар аксарият ҳолларда бувилари билан қоладилар, лекин уларнинг насиҳатларига кирмайдилар. Бувилари, яқинлари касаллиги, кексалиги ёки бошқа сабаблар туфайли ўқув муассасасига келиб ўсмир қиздан хабар ололмайди, ўқитувчи билан учрашишга вақтлари бўлмайди. Вояга етмаган қизнинг юриш-туришини назорат қиладиган, уни тергайдиган яқини бўлмагандан кейин у турли йўлларга кириб кетиши эҳтимолдан холи эмас.

Менинг таклифим — вояга етмаган фарзанди бор оналарга ишлаш учун хорижга чиқишга рухсат бермаслик керак. Ота-онаси вилоятда бўлган ўсмир қизларнинг вояга етгунича ота-она назоратида таълим олишига эришиш керак.

Оилавий поликлиникалар томонидан маҳаллаларда соғлом турмуш тарзи, эрта турмуш қуришнинг салбий оқибатлари мавзусида тарғибот ишларини кучайтириш зарур.

### ТАДБИРКОРЛИК — УДДАБУРОНЛИК

**Раҳима АБДУҒАНИЕВА,**
**Яккасарой тумани «Оила» маркази раҳбари, «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси:**



— Бизнинг туманимизда хотин-қизлар ташкилотлари ва маҳаллалар ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган. Ишсиз аёлларни иш билан таъминлаш, оилалар бирлигини янада мустаҳкамлаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини янада яхшилаш масаласига келсак, аввало тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириш, иқтисодий маданиятини шакллантириш лозим. Чунки, оиланинг тинчлиги, аёлнинг хотиржамлиги кўп ҳолларда иқтисодга келиб тақалади. Аёл ҳам оқила, ҳам тадбиркор бўлиб иш олиб борса жуда кўплаб муаммоларни бартараф этади.

### ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ



**Муаззам НУРИТДИНОВА,**
**«Тошбозорсавдо» уюшмаси бош юристконсульти, уюшма бирлашган хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раҳбари:**

— Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг моддий ва маънавий аҳволини яхшилаш, оиладан ажралмаган ҳолда иш билан бандлигини таъминлаш, шу билан бирга, улар ўртасида тадбиркорликнинг барча турларини ривожлантириш борасида шаҳримизда қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг хотин-қизлар қўмитасини қўллаб-қувватлаш борасидаги Фармони ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2004 йилдаги 617-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда хотин-қизлар қўмиталари бошланғич ташкилотлари ишини янада фаоллаштириш, уларни моддий-маънавий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деб ўйлайман. Айниқса, хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фарзанд тарбияси билан шуғулланиши, тадбиркорлик соҳасидаги билим ва малакаларини ошириш, ўзбек аёли учун ёт бўлган иллатлар, ҳуқуқбузарлик, жиноятчиликнинг олдини олиш, ноқобил оилалар бўлмаслигига эришиш борасида узлуксиз иш олиб бориш ва уларни амалга оширишда барча жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ.

### ҚИЗЛАР — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

**Тожихон НАЗАРОВА,**
**Тошкент шаҳар бош отинойиси:**

— Оила — муқаддас даргоҳ. Оиланинг файзу баракаси бўлган жамиятда ҳар ишда фаол қатнашувчи аёлларимизнинг вазифалари талайгина. Хотин-қизлар жамиятда ўз ўринларига эга бўлишлари лозим. Бунинг учун хотин-қизлар қўмиталарининг туман бўлимлари алоҳида дастур тузиб олишлари ва қизларимиз билан ишлашни тадбирлар режасига киритишлари лозим.

Мен шуни тавсия қилардимки, қизларимиз ёшликдан бошлаб одоб-ахлоқдан тарбия олмоқликлари, эрта оила қуришдан кўра илм-ҳунар ўрганишлари шарт. Бунинг учун маҳаллаларда «Қизлар давраси» суҳбатларини доимий равишда уюштириб бориш керак. Тадбирлар турли соҳа мутахассислари ёрдамида ўтказилиб, унда қизларнинг кийиниш, муомала, сўзлашиш маданиятларини пухта эгаллашлари юзасидан керакли маслаҳатлар бериб бориш жоиз. Зеро, қиз бола келажак эртаси, оиланинг сариштали бекаси, садоқатли умр йўлдоши, фарзандларининг меҳрибон онаси, жамият етакчиси бўлиш учун бу каби тадбирлар жуда асқотади.

### ИЛМ КОМИЛЛИККА ЕТАКЛАЙДИ



**Лаълихон МУҲАМАДЖОНОВА,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хотин-қизлар қўмитаси раиси, маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор ўринбосари:**

— Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти ва маънавий муҳит барқарорлиги ёш авлод камолоти, адолат мезонларининг мустаҳкамлиги, самарадорлиги ва давлат тараққиётининг ҳолати, аёлларга бўлган муносабат билан баҳоланади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоасида ҳам мингдан ортиқ аёллар фаолият кўрсатмоқдалар. Улардан 414 нафари профессор-ўқитувчилар бўлиб, 23 та профессор аёллар, 178 та катта ўқитувчилар, 125 ассистент ўқитувчилар меҳнат қилади. Аёллардан ташкил топган энг катта жамоа университет кутубхонаси бўлиб, у ерда 103 нафар аёл фаолият юритади. Талаба-қизларимиз сони 3369 та, 682 та магистрант, 130 та аспирант, 14 та докторант ҳамда 123 нафар тадқиқотчи хотин-қизлар иш олиб бормоқдалар. Ўқув муассасамиздаги 19 та кафедрани ҳам аёллар бошқарадилар. Бу эса, Президентимизнинг «Жамиятимиздаги билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган фаол ва ташаббускор хотин-қизларнинг ҳокимият вакиллик идораларига сайланиши ва уларда иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш, уларга кенг йўл очиб бериш керак», деган фикрларига ҳамоҳангдир.

Биз ҳақли равишда иқтидорли қизларимиз, изланувчан аёлларимиз билан фахрланамиз.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг «Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, давлат ва жамият қурилиши жараёнида иштирокини таъминлаш борасидаги 2013-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури» лойиҳасига асосланган ҳолда шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг ҳаракат дастури билан танишиб чиқдик.

Дастурнинг оилаларда маънавият, маданият, таълим ва маърифатни юксалтириш борасидаги ишларни кучайтириш масалалари ҳамда оилавий ажримларнинг олдини олиш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш бандига қуйидаги таклифларимни тавсия қиламан:

Жойларда миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш мақсадида «Диний қадриятлар ва миллий қадриятлар, уларнинг ўзаро мутаносиблиги», «Оила қонунчилиги ёшлар нигоҳида» мавзуларида таълим муассасаларида шаҳардаги соҳа мутахассислари ҳамда отинлардан фойдаланган ҳолда тренинглар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

***Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини янада юксалтириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

## ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида фаол иштирок этиб, ўзининг тадбиркорлик фаолияти ва жамоат ишларида фаоллиги билан тенгдошларига ўрнак бўлаётган ва келажакда республикамизнинг иқтисодий ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга интилаётган ёшларимиз кўп.

Тошкент Тўқимачилик ва енгил саноат институти талабаси Севара Худайберганова ҳам ана шундай ёш тадбиркорлардан саналади. У «Sevara UNIQUE» оилавий корхонасининг раҳбари сифатида фаолиятини



амалга ошириб, 18 нафар тенгдошлари, яъни академик лицей ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларини иш билан таъминлаган.

— Мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, қалб қўри билан бетакрор маҳсулотлар яратаётган, ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган иқтидор соҳибларини муносиб рағбатлантиришга давлатимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда, — дейди Севара. — Момомерос ҳунарни эъзозлаб, эл орасида ҳурмат топаётган ва миллий зардўзлик билан шуғулланаётганларга ҳавасим келган. Оиламизда авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунар бўлмиш зардўзлик сир-асрорларини онамдан ўрганганман. Отамдан тадбиркорлик кўникмаларини ўзлаштириб, иқтисодий билимларимни оширганман. Зардўзлик бўйича буюртма асосида сумкадан тортиб турли хил буюмлар тайёрлаймиз. Меҳмонхоналар ва сайёҳлар учун миллий буюмлар тикиб келмоқдамиз. Бундан ташқари қандолат маҳсулотларимиз — турли хил ширинликлар, совғабоп ва тўйларга мўлжалланган тортларимиз ҳам аҳолига манзур бўлмоқда.

Ҳақиқатан ҳам Севара Худайберганова ҳаракатчан ва доимий изланувчан ёшлар сирасига киради. Жумладан, 2011 йилда Республика миқёсида касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей битирувчилари ўртасида ташкил этилган «Менинг бизнес ғоям» танловининг туман, шаҳар ва республика босқичларида фаол иштирок этиб, ўзининг «Кўп тармоқли ишлаб чиқариш» йўналиши бўйича тузган бизнес-режаси билан танловнинг Республика босқичида ғолибликни қўлга киритди ҳамда унинг бизнес-режаси танловнинг ҳамкор ташкилотларидан бири — «Ипотека банк» АТИБнинг кредит сиёсати талабларидан келиб чиқиб молиялаштиришга тавсия этилди.

Бундан ташқари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Тадбиркор аёл» ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазмада ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан қатнашиб, «Энг ёш тадбиркор» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 20 йиллиги муносабати билан «Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!» шиори остида ўтказилган лойиҳалар доирасида ўзининг фаоллиги, фидойилиги ва ташаббускорлиги билан алоҳида ҳурматга сазовор бўлганлиги учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг фахрий дипломи билан мукофотланган.

Шунингдек, Севара «Келажак овози — 2011» Республика иқтидорли ёшлар кўрик-танловининг Тошкент шаҳар босқичида «Либослар дизайни» номинацияси бўйича совринли ўринни эгаллаган.

Жорий йилда Президент соврини учун анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус — 2012» кўрик-танловининг туман босқичида «Энг яхши тадбиркор аёл» ҳамда «Энг яхши ёш тадбиркор» номинациялари бўйича диплом билан тақдирланди.

Бундан ташқари жорий йилнинг 17-22 сентябрь кунлари Тошкент вилояти, Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида ташкил этилган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор» ҳамда «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» танловларининг Республика босқичида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги «Ёш тадбиркор» консультатив марказининг бизнес тренери сифатида иштирок этганлиги ва ушбу оромгоҳнинг очилиш маросимида ўз маҳсулотлари кўргазмасини намойиш қилганлиги учун махсус сертификат билан тақдирланган.

2012 йил 17-18 октябрь кунлари ёш тадбиркорлар меҳнатини кенг тарғиб қилиш ва уларни маънавий рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган «Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам» шиори остидаги Тошкент шаҳри ёш тадбиркорлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматлар ва инновация ғоялари кўргазмасида ўзининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан фаол иштирок этганлиги учун фахрий диплом соҳиби бўлди.

Бугунги кунда ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш мақсадида «Ёш тадбиркор» консультатив маркази томонидан ташкил этиб келинаётган семинар-тренингларда жамоатчилик асосида тренер сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

Ана шундай интилувчан, қалбида миллий ҳунармандчилик, тадбиркорликка меҳри юқори бўлган ёшлар мамлакатимиз буюк юксаклигини таъминловчиларидир, десак асло муболаға бўлмайди.

Саҳифани Гулчеҳра ДУРДИЕВА тайёрлади

## КОММУНАЛ ХИЗМАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

*Мана, куз фасли ҳам охирлаб боряпти. Куз ёмғири ва дастлабки қор ёққан эди, бир пасда ҳавонинг ҳарорати пасайди, қиш ҳам эшик қоқди...*





# ҚИШ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ЁҚТИРАДИ

## бунга ҳар биримиз масъулият билан ёндошмоғимиз лозим

Қарийб уч миллион аҳоли яшайдиган мегаполис шаҳримиз қишга тайёрми? Кўп қаватли турар жойлар, маҳаллаларимиздаги ҳовлиларимиз, корхона ва ташкилотларда кузги-қишки тайёргарлик ишлари ниҳоясига етказилганми? Иситиш тизимлари таъмирланиб, ишга шай қилиб қўйилганми? Ҳамма жойда иситиш қувурлари ишга туширилдими? Муаммолар йўқми? Томдан чакка ўтмаяптими? Иссиқ сувни улаб юборса, қаердадир қувур тешилиб қолмаганми?.. шу каби саволларга том маънода қишнинг ўзи жавоб беради. Ахир, қиш тайёргарликни ёқтиради деган ибора бекорга айтилмаган.

Мамлакатимизнинг энг катта бойлиги – халқимиз. Аҳолининг турмуш фаровонлигига эришиш. Фаровонликнинг энг бирламчи талаби – саломатлик. Инсон касалликка кам чалиниши, хуш кайфияти учун уйида, иш жойида шароити яхши бўлиши керак. Буни ҳаммамиз истаймиз, шунга интиламиз.

Жамиятда бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳаёт – шуниси билан қизиқ. Фаровон турмуш кечиришимиз учун бизга турли хизматлар кўрсатилади. Совуқ сув уйингизгача келтириб берилган – жўмракни бурайсиз, тоза ичимлик суви оқади. Кўп қаватли турар жойларда иссиқ сув ҳам хонадонга кирган. Қайноқ сув батареяларда айланиб, уйларимизни иситади. Газ узлуксиз келиб турибди. Қулоғини бурайсиз, корингизга ярайди. Ҳар биримизнинг ёнгинамизгача сими тортилган электр токининг беминнат хизматини-ку айтмаса ҳам бўлади. Қаерда яшамайлик, чиқиндиларни ташлайдиган махсус жойлар бор. Улар ўз вақтида олиб кетиб турилиши керак албатта. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизматини ҳам эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ. Шу билан бирга бу борада ҳали ечимини кутаётган муаммолар борлигини биламиз. Аммо уларни тезда бартараф этишда озгина ҳамжиҳатлик етишмайди. Буни тан олишимиз керак.

Албатта, қишга тайёргарлик, ҳудудларнинг ободлиги ва орасталигини таъминлаш масалаларида жойларда маҳалла оқсоқоли, участка нозири ва ширкатларнинг узвий ҳамкорлиги, бир ёқадан бош чиқариб ишлашига эришиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, зиёлилар, нуфузли корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларининг жамиятимизнинг ҳар бир жабҳасидаги самарали меҳнатларини қадрлаймиз. Бироқ баъзилар ўзлари истиқомат қилаётган маҳаллаларда ободлик, қишга тайёргарлик ишларида бир оз лоқайдликка берилгандек кўринади. Маҳалла ободлиги йўлида ҳам улар қўлларидан келадиган ҳар қандай ёрдамни аямасдан бош қўшсалар нур устига аъло нур бўларди... Ахир бугунгидек қулай шароитларга эришиш учун кўпларнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати сингган.

Шундай шароитга эриштиришда ҳиссаси бор кишилардан миннатдор бўлишимиз лозим.

Ҳар қандай хизмат учун муайян маблағ сарфланади. Ишлатилган ана шу маблағ қайтмаса, бундай хизматнинг давомли бўлишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Сувни, иссиқ сувни, электр токини, газни, иситиш тизимини ва ҳоказоларни ишлатдикми, ҳақини ўз вақтида тўлашимиз – шарт. Акс ҳолда, биз ўша хизмат кўрсатган ташкилотдан қарздор бўлиб қоламиз. «Томатома кўл бўлур, томмай қолса, чўл бўлур», – деганларидек, бир киши қарздор бўлса-ку – хўп-хўп, аҳолининг катта қисми қарзларини ўз вақтида тўламаса, нима бўлади? Мисол учун хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати кўп қаватли уйнинг томини вақтида таъмирлай олмайди ва ҳоказо. Аниқроқ айтилса, бир қўшнининг айби билан бошқа қўшни жабр кўради.

Маълумотларга қараганда, шаҳримизнинг хусусий ҳовлилардан иборат маҳаллаларида яшайдиган аҳоли ўртасида айниқса газдан қарздорлар миқдори кўпроқ.

Муқаддас динимизда худойи қилишдек мурувват кўрсатишнинг ниҳоят даражада юксак анъанаси шаклланган. Аммо, қарзи йўқ одамнинггина худойиси даргоҳида қабул бўлади, деган гап ҳам бор-да. Баъзилар қарз деганда бировдан омонатга олинган нақд пулнигина тушунади. Йўқ, сувни, иссиқ сувни, иситиш тизимини, электрни, газни ва ҳоказоларни ишлатиб, ҳақини тўламаслик ҳам – бировдан нақд пул олиб, ваъда қилинган вақтида тўламаслик билан айнан бир нарса.

Зеро, кўрсатилган хизматлар ҳақининг ўз вақтида тўлаб борилиши ҳам амалда иқтисодий тараққиётнинг изчиллигини таъминлайди.

Қарс икки қўлдан чиқади, деган мақол бекорга айтилмаган.

Келинг, коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб қўяйлик. Ана шунда муаммоларнинг бари осон ечилади. Сопини ўзидан чиқарамиз, бировнинг тўнини бошқа бировга кийдиришга ҳеч қандай ҳожат ҳам қолмайди.

● **Қуйида шаҳримизнинг ҳар бир тумани бўйича коммунал хизматларга боғлиқ маълумотлар олишингиз учун зарур телефон рақамларини яна бир бор эслатиб ўтмоқчимиз.**

# ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!

Сиз истиқомат қилаётган уйда иссиқ ва совуқ сув, электр энергияси ва газ таъминоти бўйича авария ҳолатлари ёки носозликлар юзага келганда, шунингдек, уйингизга хизмат кўрсатаётган ширкат фаолияти бўйича камчиликлар аниқланган ҳолларда туман коммунал авария тиклаш-таъмирлаш хизматига, туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, «Тумангаз», «Тошиссиққуввати», «Туман электр тармоқлари», «Сувсоз» ва «Махсустранс» корхоналарининг қуйидаги авария диспетчерлик телефонларига мурожаат қилишингиз мумкин.

### МИРОБОД ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 254-15-61 |
| «Туман электр тармоқлари» | 291-15-92 |
| «Махсустранс» | 291-47-55 |
| «Сувсоз» | 292-02-78 |
| «Тошиссиққуввати» | 291-80-96 |
| «Туман нур» | 293-40-87 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 255-46-44 |
| КТАТХ корхонаси | 233-48-67 |

### ЧИЛОНЗОР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 278-06-07 |
| «Туман электр тармоқлари» | 277-19-72 |
| «Махсустранс» | 279-86-65 |
| «Сувсоз» | 277-98-69 |
| «Тошиссиққуввати» | 278-40-12 |
| «Туман нур» | 288-20-33 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 273-85-30 |
| КТАТХ корхонаси | 273-84-60, 056 |

### МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 267-46-24, 267-19-47 |
| «Туман электр тармоқлари» | 267-58-15 |
| «Махсустранс» | 266-79-82 |
| «Сувсоз» | 265-38-54, 266-39-53 |
| «Тошиссиққуввати» | 267-12-26 |
| «Туман нур» | 265-11-90 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 267-09-54 |
| КТАТХ корхонаси | 268-49-68, 267-49-52 |

### СЕРГЕЛИ ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 258-84-33 |
| «Туман электр тармоқлари» | 258-38-60 |
| «Махсустранс» | 250-97-54 |
| «Сувсоз» | 258-96-32, 258-36-42 |
| «Тошиссиққуввати» | 258-09-95 |
| «Туман нур» | 215-25-34 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 258-32-41 |
| КТАТХ корхонаси | 258-71-52, 258-99-80 |

### БЕКТЕМИР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 295-14-43 |
| «Туман электр тармоқлари» | 295-10-62 |
| «Махсустранс» | 292-88-48 |
| «Сувсоз» | 295-16-28 |
| «Тошиссиққуввати» | 295-12-25 |
| «Туман нур» | 295-05-50 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 295-04-05 |
| КТАТХ корхонаси | 295-09-53 |

### ОЛМАЗОР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 248-35-48 |
| «Туман электр тармоқлари» | 242-46-95 |
| «Махсустранс» | 248-51-70 |
| «Сувсоз» | 246-99-56 |
| «Тошиссиққуввати» | 228-01-71, 248-38-78 |
| «Туман нур» | 246-87-03 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 227-12-28 |
| КТАТХ корхонаси | 229-24-09 |

### УЧТЕПА ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 274-44-34 |
| «Туман электр тармоқлари» | 274-14-81 |
| «Махсустранс» | 247-03-32 |
| «Сувсоз» | 274-83-45 |
| «Тошиссиққуввати» | 275-05-73 |
| «Туман нур» | 278-37-18 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 229-24-09 |
| КТАТХ корхонаси | 274-27-61 |

### ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 242-39-26 |
| «Туман электр тармоқлари» | 278-87-11 |
| «Махсустранс» | 243-12-84 |
| «Сувсоз» | 245-78-66 |
| «Тошиссиққуввати» | 249-45-99 |
| «Туман нур» | 245-57-04 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 241-20-53 |
| КТАТХ корхонаси | 242-03-81 |

### ҲАМЗА ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 296-39-61 |
| «Туман электр тармоқлари» | 291-87-83 |
| «Махсустранс» | 290-47-52 |
| «Сувсоз» | 294-52-62, 296-24-32 |
| «Тошиссиққуввати» | 296-35-02 |
| «Туман нур» | 296-16-48 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 296-54-00 |
| КТАТХ корхонаси | 296-04-22 |

### ЯККАСАРОЙ ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 255-49-59 |
| «Туман электр тармоқлари» | 250-19-67 |
| «Махсустранс» | 250-92-35 |
| «Сувсоз» | 255-05-50 |
| «Тошиссиққуввати» | 215-59-17 |
| «Туман нур» | 255-71-81 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 255-74-07 |
| КТАТХ корхонаси | 254-06-86, 0698 |

### ЮНУСОБОД ТУМАНИ КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРИ АВАРИЯ-ДИСПЕТЧЕРЛИК ТЕЛЕФОНЛАРИ

| | |
|---|---|
| «Тумангаз» | 212-25-52 |
| «Туман электр тармоқлари» | 225-00-65 |
| «Махсустранс» | 223-55-36 |
| «Сувсоз» | 235-25-64, 235-14-02 |
| «Тошиссиққуввати» | 223-30-42 |
| «Туман нур» | 212-10-53 |
| ХУЖМШ уюшмаси | 235-33-64, 235-61-05 |

**Юқорида кўрсатиб ўтилган ташкилотлар томонидан камчилик бартараф этилмаган ҳолларда шаҳар ҳокимлигининг марказлашган 055(1055) диспетчерлик хизматига мурожаат қилинг**

*Пойтахт ҳудудидаги аҳоли яшаш жойлари, кўп қаватли уйлар, корхона ва ташкилотлар чиқинди тўплаш жойларида йиғиладиган хазон билан боғлиқ ҳолда содир бўлиши мумкин бўлган ёнғин ва бошқа кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, кўчаларда экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Хазон тўплаш ва уни ёқишнинг олдини олиш тўғрисида»ги фармойиши қабул қилинди. Унга кўра, мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида барча маҳалла, мавзе ва бозорлар ҳудудидаги йиғилган хазон ва ахлат чиқиндиларининг ёқиб юборилишига йўл қўйилмаслиги чоралари кўрилади.*

*Хусусан, бу борада аҳоли ўртасида тарғибот ишлари кучайтирилиб, жамоатчилик назорати ўрнатилади, йиғилган чиқиндиларни ўз вақтида белгиланган тартибда олиб кетилиши назоратга олиниб, пойтахт ҳудудидаги бозор, савдо мажмуалари, ташкилотлар ва аҳоли гавжум жойларда маиший турдаги ҳар қандай ёнувчи газ баллонлардан фойдаланиш тақиқланади.*

# ХАЗОНЛАРНИ ЁҚИШ КОНИ ЗАРАР

Куз фасли келиши билан шаҳримиз кўчалари, маҳаллалари, кўп қаватли уйлар ҳудудида айрим ҳолларда хазон ва маиший чиқиндиларнинг ёқилаётганига гувоҳ бўляпмиз. Ушбу ҳолат ҳақида Тошкент шаҳар Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг Ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Дилбар Алимова билан суҳбатлашдик:

— Дарахтларнинг барглари бутун ёз давомида турли заҳарли моддалар, чангларни ютиб, ўзидан кислород ажратади. Ёз бўйи чиққан чанг ва газлар баргларга ўтириб, ерга хазон бўлиб тушади. Қуриган баргларнинг ёниши жараёнида атроф-муҳитга нафақат углерод гази, балки ис ва олтингугурт гази сингари заҳарли моддалар тарқалиб, катта зарар етказади. Хазонлар таркибида шунингдек, автомобиллардан чиқаётган газлар ва саноат корхоналари тутунлари орқали йиғилиб борадиган қўрғошин, кадмий ҳамда мис каби оғир металлар ҳам мавжуд бўлади. Хазонларни ёқиш пайтида чиқадиган тутун таркибида мураккаб органик бирикмаларни ўз ичига олувчи заҳарли диоксин бўлиб, у нафас органларига зарарли тарзда таъсир этади. Заҳарли диоксидлар, айниқса тананинг ҳимоя тизими алоҳида сезгир ҳисобланмиш болалар ҳамда нафас йўлларининг соматик хасталиклари, юрак-қон томир, аллергик касалликлари бўлган кексалар учун ниҳоятда хавфлидир. Бу заҳарли моддалар ҳаттоки ўлимга олиб келувчи саратон касаллиги, анафилактик шок ҳолати, жигар хасталикларини келтириб чиқариши мумкин. Очиғини айтиш керак, бу ҳақда қанчалар бонг урилмасин, барибир уй-жой мулкдорлари ширкатлари, ободонлаштириш бошқармаларининг баъзи бир ходимлари, ташкилот, корхона ва муассасалар раҳбарлари ҳамда ҳамшаҳарларимизнинг айрим ҳоллардаги эътиборсизлиги билан пойтахтда экологик мувозанатни сақлаш учун салбий таъсир кўрсатувчи омиллар тез-тез кўзга ташланиб турибди. Ваҳоланки, хазон муаммосини бартараф этиш учун ота-боболаримиз қўллаган усул – хазондан ўғит тайёрлашда фойдаланса бўлар эди. Бунинг учун хазонларни тўкишга мўлжалланган компост чуқурларини кўпайтириш, корхона ва ташкилотларнинг барча транспорт воситаларини хазонларни ўз вақтида йиғиштириб олишга жалб этиш, ўзбошимчалик билан ёқилган хазонларни аланга олмасдан ўчириш учун махсус тузилган гуруҳлар ишини фаоллаштириш даркор.

Маълумки, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 41-моддасини бузиб, қонунбузарликка йўл қўйилса, Ўзбекистон Республикаси «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги Кодексининг 88-моддаси 3-қисмига биноан, хазон ва шох-шаббаларни ёки ўсимликларнинг бошқа қолдиқларини ёқиб юборган фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан ўн бараваригача жарима солиниши белгиланган. Тегишли жазо чоралари белгиланганига қарамай, шаҳар ҳудудида хазон ва шох-шаббаларни ёқиш ҳолатлари тўғрисида қўмитага хабар ва фуқаролар томонидан шикоятлар тушмоқда. Ноябрь ҳолатига кўра қонунбузарликка йўл қўйган 56 нафар жисмоний, 6 нафар мансабдор шахсларга жарима солинган. Ундириб олинган жарима миқдори жами 3164,31 минг сўмни ташкил қилган.

Ўз фарзандимиз, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларимиз, ҳамшаҳарларимиз, бир сўз билан айтганда, бутун бир инсониятга, табиатга, атроф-муҳитга етказилган зарарни қоплашга қодир бўла оламизми? Йўқ албатта! Мутахассислардан олинган маълумотларга кўра, бир тонна чириётган ўсимлик чиқиндилари атроф-муҳитга 30 килограммга яқин углерод гази ва бошқа канцероген моддаларни чиқаради. Агарда хазонлар тўпламига пластик идиш, полиэтилен пакетлар, линолеум парчалари қўшиладиган бўлса ёниш жараёнида ундан 75га яқин муайян заҳарли, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар ажралиб чиқади.

**Азиз ҳамшаҳарлар, хазон ва чиқиндиларни ёқиш оқибатида она табиатга зид иш қилиб, ҳавога катта миқдорда заҳарли моддаларни чиқарган ҳолда, ўз фарзандларингиз ва яқинларингиз соғлиғига путур етказиб қўйишингиз мумкинлигини асло ёддан чиқарманг!**

**Шаҳнозахон ҚУДРАТХЎЖАЕВА**
**ёзиб олди**

